

## Бугуннинг оммавий маданияти ёхуд «Даш синдроми» қандай касаллик



08:45 / 16.01.2019 6375

**Ҳозирги глобаллашув даврида оммавий ахборот воситалари америкача маданият, маънавият ва ахлоқий кўринишларни дунё миқёсидаги маданият ўлароқ тарғиб этишга уринмоқда.**

Тан олиш керак, ўзбек хонадонини телевизорсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тўғри, халқнинг маданий савиясини кўтаришда, ёшларнинг одоб-ахлоқини, маънавиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли катта. Лекин ҳозирги кунда телеканаллардан узатилаётган кўрсатувларнинг ҳаммаси ҳам шу йўлда хизмат қиляптими? Теледастурларнинг каттагина қисмини ўзбек тилига дубляж қилинган хориж сериаллари, фильмлари эгаллайди. Ушбу сериалларни бир оиланинг барча вакиллари дастурхон атрофида бирга ўтириб кўришларининг сира

иложи йўқ. Очиқ-сочиқ аёл-қизлар, йигит-қиз орасидаги ишқий саргузашт сахналари, ўз жуфти ҳалолига нисбатан бевафоликни акс эттирувчи воқеалар, бемаъни хатти-ҳаракатлар, ўзбек миллатининг шаънига тўғри кел-майдиган алмойи-алжойи гап-сўзлар... Хуллас, ушбу фильмлар озгина ҳаёси бор кишининг ғашига тегадиган, асабини бузадиган сахналар билан тўлиб-тошган. Афсуски, ушбу сериалларнинг ҳар бир қисмини қолдирмай томоша қиладиган, бир қисмини кўргач, кейингисини интизорлик билан кутадиган, дўст-дугоналари билан бўладиган суҳбатларининг асосини ушбу сериаллар устидаги баҳслар ташкил этадиган катта ёшдаги аёллар, қизлар анчагинани ташкил этади.

Хўш, энди айтинг-чи, сўнгги пайтларда ҳар бир ота-онанинг асосий муаммосига айланган болалар тарбиясига бундай бемаъни фильмларнинг мутлақо таъсири йўқ, деб ким кафолат беради?

Ўзимизнинг ўзбек киноларининг савияси ҳақида ҳам бир оғиз сўз: бир марта кўришлик бу фильмларни кўриб, тўғриси айтсам, кўнгил озади. Телевидение орқали эфирга узатилаётган таҳлилий кўрсатувларда улардаги бачканаликлар, енгил-елпи севги сахналари, ота-онага беҳурматлик, бойликни кўз-кўз қилиш, ўзбек миллатига, Исломи динига тўғри келмайдиган кийимлар ҳақида айтилавериб, бу мавзунинг сийқаси чиқиб кетди. Афсуски, ўзбек ёшларимизнинг дунёқараши, савияси шу даражада тушиб кетдими, биз кўриб, энсамиз қотаётган бу каби фильмларни мазза қилиб, кулиб, қайта-қайта томоша қилишади. Ўзаро суҳбатларида улардаги баъзи жумлаларни, хатти-ҳаракатларни такрорлаб, уларга тақлид қиладиганлари ҳам талайгина. Охириги пайтда қизлар орасида урфга айланган пластик амалиётлар, калта ва тор либослар, ноз-карашма, жозибадор оҳанг, сабабсиз ортиқча кўп кулиш каби иллатлар, айнан ана шундай ўзбек кинолари ва хориж сериалларининг меваси десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

Исломи давлатлардан бирида ўтказилган тадқиқотларга кўра, телекўрсатувларни мунтазам томоша қиладиган беш юз нафар қизлар устида ўтказилган текширувлар уларнинг жинсий аъзоларида касаллик пайдо бўлганини, феъл-атворида ҳам жуда катта ўзгаришлар юз берганини аниқлаган. Фақат ўзга жинс ҳақида фикрлаш оқибатида юзага келган янги «Даш синдроми» номли касаллик уларни хароб қилган. Бу касаллик ҳозир Жаҳон соғлиқни сақлаш уюшмаси томонидан эътироф этилди ва тиббий манбаларда қайд қилинмоқда. Бу касалликка чалинган беморнинг ахлоқи ва ҳулқида сезиларли ўзгаришлар, маънавий тубанлик

кузатилади.

Яна бир мулоҳаза: Йигирма-ўттиз нафар қиз ноз-карашма билан бир қўшиқчининг атрофида парвона бўлади. Бу нимани англатади? Бу аёл зотини таҳқирлаш, уни жоҳилият даврига қайтариш эмасми? «Минг бир кеча»нинг ҳикояларидаги каби куйиқиш (эрсираш), шаҳватпарастлик, ахлоқий тубанлик эмасми? Агар шу ҳам ахлоқсизлик саналмайдиган бўлса, «ахлоқсизлик» деган сўзни луғатдан чиқариб юборса ҳам бўлаверади.

Бундан мақсад нима? Бу аёлнинг санъат соҳасида қолоқлигини, чинакам санъат асари яратишга қодир эмаслигини, мазмунли саҳна асарлари яратишдан ожизлигини пардалаш эмасми? Ёки бу ёқимсиз овозни чиройли, жозибадор қилиб кўрсатишга уринишми?

Бу - умматнинг маънавиятини вайрон этиш, уни сармаст қилиш, келажагини йўққа чиқариш эмасми? Уни тикланишдан, ўсишдан, бугуни ва келажаги учун қайғуришдан чалғитиш эмасми? Халқларни ақлу ҳушидан айириб, чинакам воқеликдан узоқлаштириш эмасми?

Бу «реклама»лар аёлни шундай тасвирлайдики, йигит унга ҳатто тушида ҳам етиша олмаслиги аниқ. Боз устига, воқеликни, фақирликни, ҳожатмандликни, йигитларнинг уй-жойга, ишга ёки уйланишга бўлган эҳтиёжини, унинг чекланган имкониятларини кўра-била туриб, кўрмасликка олади. У мусулмон жамиятлар яшаётган иқтисодий ва ижтимоий ҳолатлардан бутунлай кўз юмади. Бу томошалар ушбу манзараларни катта қизиқиш билан кузатаётган, оддийгина маҳаллада қурилган пастқам деворли уйда яшовчи қиз ёки йигитнинг ақли, одоб-ахлоқи, руҳияти ва маънавиятига, албатта ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

**«Қизларжон...» китобидан**